



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (12.591)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Ёшларга оид
давлат сиёсати —
амалда

Ёшлар ижод
саройида «Таълим
ва мутахассислик»
X халқаро
кўргазмаси
бошланди.



ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа қатор идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада ўқитувчилар, талаба-ёшлар, ота-оналар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни юксак маънавиятли, юқори ижодий-интеллектуал салоҳиятли шахс этиб вояга етказиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бегубор орзу-мақсадларини юзага чиқаришга кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани таъкидланди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги, «Таълим тўғрисида»-ги қонунлар ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ўз қизиқиши ва интилишига мос тарзда касб-ҳунар эгаллашга яқиндан кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган, таълим тизимидаги ишхотларнинг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилаётган кенг қўлланли сайёҳ-ҳаракатларда ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқинга олиб чиқиш, замонавий билим масканларини барпо этиш, ёшларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур анъанавий халқаро тадбирдан қўзланган мақсад ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва иштиёқини янада кучайтириш, уларни таълим соҳасидаги ўзгариш ва янгиликлар билан таништириш, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим ўринга эга бўлган мутахассисликлар ва касблар тўғрисида тўлиқ маълумот беришдан иборатдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўлланли ишхотлар жараёнида халқимизнинг саломатлигини асраш, тиббий профилактика ва даволаш ишлари сифати ҳамда самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётта татбиқ этишда фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аҳамияти бекиёс.

Қарор ва ижро

САЛОМАТЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётига кенг йўл очилиб, ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз такомиллаштирилаётгани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этишга қўлай имконият яратилгани миллий фармацевтика саноатимизни ривожланишининг янги босқинига олиб чиқиш имконини бераётди. Ҳозирги кунда юздан зиёд саноат корхонасини ўз ичига олган миллий фармацевтика саноати мамлакатимиз ички бозорининг салмоқли қисмини қоплайдиган маҳсулот етказиб берувчи ривожланган соҳага айланди. «Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик концерни ушбу йўналишда фаолият юритаётган йирик давлат тузилмасидир. Ҳозирги кунда концерн тизимида тўқсонга яқин ишлаб чиқариш корхонаси ва учта илмий-тадқиқот муассасаси фаолият юритмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ҚИСҚА САТЛРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **12-13 ФЕВРАЛЬ** кунлари «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида «Сифатли мактабгача

таълимни жорий этишда янгича ёндашув» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон тарихи давлат музейида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллу-

дининг 573 йиллиги, Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллигига бағишланган тадбир ва туман миқёсида «Энг ёш тарғиботчи» кўрик-танлови ўтказилди.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги 110-мактабда умумий ўрта таълим мактаб фан ўқитувчилари орасида ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2014» кўрик-танловининг иқтисодий билим асослари йўналиши бўйича ғолиблари аниқланди.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖ САРМОЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ МАВЖУД»

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистонни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Бельгиянинг расмий, ишбилармон, илм-фан ва жамоатчилик доиралари, оммавий ахборот воситалари, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, Европа Иттифоқи Комиссияси ва Европарламент вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йилнинг 17 январь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий мазмунини билан яқиндан танишдилар.

Брифингда Ўзбекистонда ўтган йили ҳаётга татбиқ этилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, банк-кредит ва молия тизими фаолияти, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалигининг салоҳияти ва миллий иқтисодиётга замонавий юқори технологияларни жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳусусидаги батафсил маълумотлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Таъкидланганидек, 2013 йилги ислохотлар, шу жумладан, республиканинг сармоявий ва ишбилармонлик салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилган ишлар нафақат молиявий маблағлар ҳажмининг ўсиш суръатларини сақлаб қолишга, балки хорижий сармоялар улушининг ортishi таъминлашга ҳам имкон берди.

Бельгия вакиллари мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни, аҳолини қўллаб-қувватлаш, унинг реал даромадларини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт тизимларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо бердилар.

Тадбирда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари ҳамда «Навоий» интермодал логистика марказида яратилган имкониятларнинг тақдими ҳам ўтказилди. Унда ушбу лойиҳалар доирасида фаолият олиб борадиган хорижий сармоядорлар учун тақдим этиладиган имтиёз ва преференциялар мавзусига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда республика-миз эришган тараққиёт натижалари ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм намоиши Бельгия ишбилармон доираларининг вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири брифинг қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Урбан Руснак, Энергетика Хартиясининг бош қотиби: — Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоизлик ўсиш суръати, шубҳасиз, катта эътиборга моликдир. Айнан ана шу омиллар

хорижлик сармоядорларнинг ўзаро ҳамкорлик учун ишончли шерик сифатида мамлакатингизни танлашларида муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай ўсиш суръатларига эришишда Ўзбекистон энергетика тармоғида олиб борилаётган самарали сиёсатнинг аҳамияти катта. Хусусан, 2013 йили Тошкентда бўлиб ўтган Осиё қуёш энергияси форумининг VI йиғилиши республиканинг муқобил энергия манбаларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришганлиги намоён қилди.

Ўзбекистон Энергетика Хартиясининг муҳим аъзоси ҳисобланади. Ташкилотимиз бундан кейин ҳам технологиялар ва илгор тажриба алмашиш орқали республикада сармоявий муҳитни янада яхшилаш, энергетика тармоғининг тараққиётига кўмаклашишда давом этаверди.

Кристофер Иветот, Саноат тараққиёти бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (UNIDO) Европа Иттифоқи хузуридаги доимий вакили:

— Йил якунлари мамлакатингиз белгилаб олган янгилаш ва модернизация йўлининг тўғрилигини тасдиқлайди. Республика нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш бўйича ҳам улкан муваффақиятларга эришди. 2013 йили 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилган ҳамда бу 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоиз кўп эканлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Иқтисодиётни диверсификациялаш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари алоҳида эътиборга лойиқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг яна бир омили бўлгани ҳолда, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида унинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Биз республика иқтисодиёти тармоқларини модернизациялаш ҳамда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган 500 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга тайёриймиз.

Умуман олганда, Ўзбекистонда турли соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин.

Франк Швальба-хот, Европа Парламентининг етакчи эксперти:

— Мен Ўзбекистонда бир неча мартаба бўлганман. Юртингизга ҳар бир сафарим чоғида республикада мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришлардан ҳайратга тушганимни ҳам яширмайман.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида парламент куйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси янги тахририни навбатдаги босқичга тайёрлашнинг бориши муҳокама этилди.

• Нукус темирйўл вокзалида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар иштирокида Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб қайтган етмишдан зиёд қорақалпоғистонлик ёшларни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

• Эллиққалъа санъат ва педагогика коллежида бўлиб ўтган «Бобур издошлари» номли адабий кечада истиқлол йилларида Бобур сиймоси, унинг бетақор ижоди ва фаолиятига муносабат тубдан ўзгаргани, хусусан, унинг «Бобурнома» асари, ғазал ва рубойлари ёш авлодни меҳр-оқибат, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

• Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

• Жарқўргон туманидаги «Пахтаобод» маҳалласида 540 ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда «Термиз таъминот СКТХК» қурилиш ташкилотининг қўли гул бунёдкорлари томонидан 4,1 миллиард сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилиб, фан хоналари ва лабораториялар, спорт зали, кутубхона ва стадион замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

• Бразилияда жорий йилда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида бағишлаб Манаус шаҳрида жойлашган «Арена Амазония» стадионининг қурилиши жараёнида Португалиядан келиб ишлаётган ишчи ҳалок бўлди. У стадионнинг томини ёпиш жараёнида жароҳат олган бўлиб, охир-оқибат ушбу жароҳат ҳаётдан қўз юмишига сабаб бўлди. Бу Бразилиядаги жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш давомидаги учинчи ҳалокатли ҳолатдир.

• Кураи заминнинг кўпгина ҳудудларида қаҳратон қиш ҳукм сураётган шу кунларда Австралия жанубидаги Виктория штатида кучли ўрмон ёнғинлари юз бермоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу табиий офат туфайли 20 дан ортиқ турар жой биноси ёниб кетган, 280 минг гектар майдонга жиддий зарар етган. Ҳудуд ҳавосини қуқутун қоплаганлиги боис Мельбурн шаҳридаги халқаро аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатилган.

• Мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида кучли бўрон рўй бериши хавфи мавжудлиги туфайли кеча АҚШ авиакомпаниялари томонидан 888 та ҳаво рейслари бекор қилинди.

• Канадада палеонтологлар томонидан илк умуртқали ҳайвонларнинг улкан қабристони топилди. Қизиги шундаки, бу ерда илгари фанга маълум бўлмаган кўпгаб жониворларнинг деярли тошга айланган суяклари топилмоқда.

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ
ЯХШИ ФАН
ЎҚИТУВЧИСИ

Айни кунларда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2014» кўрик-танловининг шаҳар bosқичи бўлиб ўтмоқда.

Танлов инновацион технологиялардан умумий фойдаланиб самарали натижаларга эришган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида чет тили, бошланғич таълим, география, биология, жисмоний тарбия, ўзбек тили ва адабиёти, тасвирий санъат, музыка, меҳнат, иқтисодий билим асослари ва давлат ҳуқуқ асослари фанлари йўналишида энг билимли ва ижодкор ўқитувчиларни аниқлаб беради.

— Бу танлов мактаблардаги илгор, ташаббускор, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, улардаги ижодий қобилият, касбий маҳоратнинг рўйбга чиқишига қўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тажрибаларини оммалаштириш ҳамда кенг тарғиб этиб, ўз методик мактабини яратишга йўналтирилган, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаров. — Шунингдек, умумтаълим мактабларида даража берётган ўқитувчилар орасидан юзаск маҳоратга эга бўлган, ўз фани, мутахассислигининг ҳақиқий эгаларини саралаш олиш, таълим-тарбия жараёнида самара берадиган муқобил методларни ҳамда технологияларни аниқлаш, педагогларнинг ижодий фаоллигини ошириш, юзаск маънавияти, маънавий ахлоқий фазилатлари, ташаббускор ва ижодкорлигини жамоатчиликка кўрсатиб беришдан иборатдир.

Танлов тўрт bosқичда ўтказилади. Биринчи bosқичда 10 бўлиб, унда иштирокчи 15 дақиқа даража бериш технологияси акс эттирилган видео-

дарсини тафсилоти билан дусда тақдим этади. Иккинчи турда ўз фани бўйича белгиланган мавзу юзасидан дарсга тайёргарлик кўриш, учинчи турда «Таълим сифатини оширишда амалга оширишмоқчи бўлган ишларим» мавзусида тақдимотишни ҳакамлар ҳайъатига намойиш этади.

Тўртинчи bosқичда эса, иштирокчи нотаниш мактабларнинг бирида, нотаниш синфда, нотаниш мавзу бўйича замонавий педагогик технология ва методларини қўллаган ҳолда ўқувчиларга дарс ўтиш маҳоратини кўрсатиб беради.

— Мазкур танлов нафақат билимларимизни, балки онг ва тафаккуримизни ҳам теранлаштириб, ўзимизга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга янги гоълар яратишга, ижодий қобилиятимизни янада шакллантиришга чорлайди. Ҳамкасбларимиз дунёқараши, билим ва малакасини яқинроқ ўрганишга имкон яратаяди, — дейди Миробод туманидаги 154-мактаб ўқитувчиси Шаллола Абдулломова.

Унинг «Таълим сифатини оширишда амалга оширишмоқчи бўлган ишларим» мавзусидаги тақдимоти ҳайъат аъзоларига тақдим этилди ва энг яхши иш деб топилди.

Икки кун давомида, 200-ҳафта 142-17-давлат иқтисодлаштирилган умумтаълим мактабларида ўзбек тили, она тили, бошланғич таълим, меҳнат таълими, музыка, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари бўйича танлов ўз ишини якуналади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Билимли ва зукко ёшлар — келажагимиз бунёдкорлари.

Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк сиймолардан бири улут шоир ва адиб, қомусий илм соҳибни Заҳириддин Мухаммад Бобур бизга бой қўлзма мерос қолдирган. Унинг шеърый девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолаи волидийя» (таржима), «Мушиқа илми» ва «Харб иши» каби илмий ва бадиий баркамол асарлари жаҳон адабиёт, маданияти ва санъати хазинасига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган.

Маълумки, Бобур меросини ўрганиш узок тарихга эга. Айниқса, сўнгги йилларда унинг қўлзма меросини излаш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Бобурнинг Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўлқопи саройи Реванд кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур Навоби кутубхонасида сақланиб келинаётган қўлзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукамал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлзма нусхалари топилиб, улар илмий истифодага киритилмоқда. Хусусан, Хайдарободдаги Саларжанг музейи хазинасидан Бобур қўлзма девонидан шу кунга қадар умуман, бирорта каталогда қайд этилмаган, XVII-XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлзма нусхасининг маълум қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу қўлзма нусхалар бир томондан Бобур шеърый меросини бойитишга ёрдам берса, бошқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик қилишга қўл келади. Хайдаробод девони 1188 (1774-75 м.) йили Жаҳонали Котибий томонидан кўчирилган. Мазкур нусхадан ҳажман кичикроқ бўлган иккинчи қўлзманинг котиби ва кўчирилган йили қўлзмада қайд этилмаган.

БОБУР МЕРОСИНING ТЕРАН
ИЛДИЗЛАРИ

Шунингдек, Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган қўлзма манбаларининг Ҳиндистоннинг Дехли, Алигарх, Калкутта ва айниқса, Мадраас шаҳридаги қўлзма хазиналарида талайгинаси мавжудлиги аниқланди. Улар билан танишиш жараёнида Бобур аъналарини Ҳиндистонда давом эттирган, туркий халқлар адабиётига маълум ҳисса қўшган шоир, олим ва моҳир таржимонлар силсиласи юзга чиқа бошлади. Улар орасида Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо, ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Мирза Алибхот Афғарийларнинг бизгача етиб келган қўлзмалари эътиборга лойиқдир. Хусусан, Бобурийзода Мирза Алибхот Афғарий Кўрагоний турли соҳаларга оид асарлар яратиш билан бирга Навоий ва Бобур асарларини таржима қилиб, ўзбек адабиётини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрнатқурсатган. Изланишлар натижасида биз Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарининг Афғарий томонидан форсий тилга нозим йўли билан ўнгилган қўлзма нусхасини Мадраас университети кутубхоналарида топишга муваффақ бўлдик. У ўз таржимасини Бобур «Аруз»нинг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атаган. Таржимон бу билан Бобурга ва «Аруз рисоласи»га бўлган ҳурмат, ва эътиборини олдирмоқчи бўлади. Афғарийнинг мазкур асарларини алоҳида ўрганиш Бобур ижодининг бизга ҳали равшан бўлмаган томонларини очибди ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ўзбек адабиётининг бошқа вакиллари аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Бобур ижодида «Мубаййин» асари ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Бу асарни ўрганиш ишлари Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг рўйбга чиқа бошлади. Уни ўрганиш ва Ватанимизда мавжуд қўлзмалари асосида унинг матнини нашр қилиш бўйича илк қадамлар қўйилган. «Мубаййин» ислом дини асосларини баён этувчи йирик асардир. У ўзбек тилида яратилган бўлиб, диний ва бадиий адабиётнинг ёрқин намунаси ҳамдир. Бу асарларнинг қўлзмалари Ватанимиз ва хорижда кенг тарқалган. У нафақат адабиётшунос, балки исломшунос, тарихчи, файласуф, иқтисодчи, тилшунос, педагог ва бошқа қатор соҳа олимлари учун қимматли манба бўла олади.

Бу қўлзма таркибига кирган «Мубаййин» рисоласини Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлзма фондларида сақланаётган нодир нусхалар матни билан солиштириш натижалари шуни кўрсатадики, Тхрон нусхаси бизда мавжуд бўлган нусхалар матнларидаги айрим камчилик ва нуксонларни бартараф этишда ўта муҳим манба вазифасини бажариш билан бирга муаллиф матнини тиклашда бевосита хизмат қилиши мумкин. Чунки бу қўлзмада асар матни остидаги форс тилидаги сўзма-сўз таржима ва ҳошиялардаги сўзларнинг тўғри ўқилишини белгилаб берувчи шарҳлар ўзбекча матни ўқувчи томонидан тўғри ўқиб, унинг мазмунини енгил ўзгаришига қаратилган.

Бундай мураккаб ва катта меҳнат талаб иш «Мубаййин» билан бир қаторда «Аруз рисоласи», «Бобурнома» ва «Рисолаи волидийя»ларга нисбатан ҳам қўлланилганлиги Тхрон қўлзма нусхасининг ютуқ жиҳатларидан бири, деб ҳисобланмоқда лойиқ эканлигини кўрсатади. Лекин, шунга қарамайдан, бу нусхада ҳам ўзига яраша кам-қўстар мавжудлиги уни бошқа қўлзмалар билан таққослаш жараёнида кўзга ташланиб туради.

Ўз навбатида Тхрон нусхаси бизда мавжуд қўлзма нусхалар матнлари ҳам анча тузатишлар ва қўшимчалар киритишга хизмат қила оладиган даражадаги манба дейишга асос бор. Бу эса «Мубаййин» асарининг

нашри ва ҳатто унинг илмий - танқидий матни яратилганлигига қарамай, бу борадаги ишлар келажақда ҳам давом этиши зарурлигини кўрсатади.

Тхрон нусхаси таркибига киритилган иккинчи асар «Аруз рисоласи»дир. Маълумки, Бобурнинг шеърый назариясига оид яратган «Аруз рисоласи» асари Алишер Навоийнинг «Мезонун-авзон» асаридан кейин ўзбек арузи ҳақида ёзилган йирик рисоладир. Бу асар ўз навбатида йирик антология ҳамдир. Асарда XI-XVI асрда яшаб ижод этган 60 дан ортиқ шоирлар номлари эслатилади ва уларнинг асарларидан парчалар келтирилади.

Шу кунга қадар мазкур асар қўлзмасини яқкаю ягона ҳисоблаб келинган, Париж Миллий кутубхонасида (инв. рақами 1308) сақланаётган қўлзмасигина маълум эди. Бу нусха котиб Мухаммад Самарқандий томонидан Бобур вафотидан атиги 3-4 йил ўтган (940 ҳижрий йили, 1533-34 миллодий) кўчирилган бўлиб, табиийки, у қадимийлиги нуктаи назардан муаллиф матнига яқин бўлган нусха ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур ўз рисоласининг иккинчи қисмида истеъмолдаги ҳамма вазналарга форс ва туркий шеърлар билан мисоллар келтиради. Хар бир байт тўғрисида унинг муаллифи номини кўрсатади.

Бобурнинг Тхрон қўлзмаси таркибига кирган навбатдаги асари «Бобурнома»дир.

Маълумки, «Бобурнома»нинг илк нодир қўлзмалари мавжуд бўлишига қарамайдан, сўнгги вақтда асарнинг илмий-танқидий матни яратилган эмас эди.

Бу хол асарни нашр этишда ҳам, бошқа тилларга таржима қилишда ҳам қўллаб-қувватлаш ва камчиликларнинг юзга келишига сабаб бўлган. Бу ўлмас обидани нашрга тайёрлаш, уни таржима қилиш билан шуғулланган йирик шарқшунослардан Анетта Беверик, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, Сабохат Азимжонов, Гайбулла Саломов ва бошқалар асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш жуда зарур ва ҳаётий масала эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бу гоът мураккаб, масъулиятли, айни пайтда эзгу ишни адо этиш япониялик атоқли бобурушунос, профессор Ёйжи Манонинг зиммасига тушди. Унинг қарийб ўттиз йиллик сермашаққат меҳнати самараси ўлароқ 1995 йилда илмий жамоатчиликка тақдим этилди. 1996 йилда эса шу нашрнинг давомий сифатида мукамал «Кўрсаткичлар» алоҳида жилд ҳолида chop этилди.

Мазкур танқидий матн асл нусха тилидаги тўртта (Эльфинстон, Хайдаробод, Британия кутубхонаси ва Қозон босмаси нусхалари) ва форс тилидаги бир қўлзма нусха асосида тайёрланган. Бундан ташқари, Э.Мано яна иккита форсча қўлзмадан — Янги Дехли Миллий музейдаги «Воқеоти Бобурий» деб номланган қўлзма ва Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхадан фойдаланган. Шундай қилиб, муаллиф «Бобурнома»нинг етти қўлзмаси, тўртта ўзбекча ва учта форсча нусхасидан фойдаланган, танқидий матнга Хайдаробод нусхасини асос қилиб олган. Ёйжи Мано «Бобурнома»нинг хар жиҳатдан мукамал, барча мавжуд қўлзмаларга асосланган ва улардаги текстологик фарқлар кўрсатилган матнини яратганлигига қарамай, ушбу ноёб асар матнининг муаллиф матнига яқин ва энг ишончли бўлган нашри устидаги ишлар келажақда ҳам давом эттирилиши лозим эканлигини ва Эрон нусхаси бу ишда қўл келиши мумкинлигини алоҳида қайд қилиб ўтган.

Афсуски, Тхрон нусхасига кирган «Бобурнома» асари тасаввур қилинганчалик қадимий ва тўлиқ бўлиб чиқмади.

Шундай қилиб, Тхрон қўлзма нусхасини бошқа қўлзмалар билан қиёслаш натижасида шуни айтиш мумкинки, Бобур асарларини муаллиф қаламига энг яқин бўлган ва энг ишончли матнини яратишда ўзига хос ва бетакрор манба сифатида истифода қилишга лойиқ ва эътиборли нусха эканлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак бўлади. Ҳозирча Бобур меросининг чет эллардаги мавжуд қўлзмаларининг бир қисмигина қўлга киритилди. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган катта қисми билан танишмоқ, уларни суратга тушириб Ватанимизга олиб келмоғимиз зарур.

Бу меросни ҳуқуқ ўрганиш, уни илмий муомалага киритиш бир томондан шарқ халқларининг муштарак бўлиб келган маданиятини ҳуқуқроқ ўрганишга хизмат қилса, бошқа томондан бундай ҳамкорлик халқларни бир-бирларига яқинлаштириб, дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Саидбек ХАСАНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори,
филология фанлари доктори, профессор

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган давра суҳбати «Маънавиятимизнинг порлоқ юлдузлари» деб номланди.

«КАМОЛОТ»
ТАШАББУСИ БИЛАН

Тадбир университетнинг «Камолот» ЕИХ бошланғич таълимоти ташаббуси билан ташкил қилинди. Унда факультет сардорлари, «Камолот» фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди доцент С.Султонсайдова икки улут шоир — Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, улар яратган адабий мероснинг ёшлар ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти хусусида қизиқарли киши қилди.

Гулиногор САТТОВА

САЛОМАТЛИК ВА
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори барча соҳалар каби фармацевтика саноати ҳам инвестицияларни кенг жалб этиш, бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технологик модернизациялаш, аҳолининг халқаро андозаларга мос, сифатли дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қоплашга хизмат қилаётди.

«Ўзфармисаноат» давлат акциядорлик концерни томонидан бу йўналишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Мазкур концерн тизимидаги корхоналарда кейинги йилларда ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштириш, халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

2013 йилда бу йўналишда йигирма тўртта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Масалан, бир марта ишлатиладиган тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариладиган «Asia Trade» қўшма корхонасида 2013 йилда 4,81 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ўзлаштирилди. Бунинг ҳисобига мавжуд қувватлар бир неча баробар ортди. Учта янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси амалиётга татбиқ этилиб, тўрт юзга яқин янги иш ўрни яратилди. Мазкур иш ўринларига жалб қилинганларнинг 86 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиси.

Пойтахтимиздаги «Radiks» илмий ишлаб-чиқариш корхонасида бу йўналишда иккита инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, тўрт қаватли янги иншоот ҳамда ишлаб чиқариш ва флакон ишлаб чиқариш цехи барпо этилди. Бунинг натижасида корхона қуввати уч баробарга ошди, иш ўринлари икки баробарга кўпайди. Энг муҳими, GMP халқаро стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Бундай замонавий ишлаб чиқариш шартлоари корхона маҳсулотларини хориқга экспорт қилиш имкониятини яратди.

2013 йилда «Jurabek Laboratories» қўшма корхонасида амалга оширилган инвестиция дастурида самарасида инфузион эритмалар ва таблетка дори цехлари модернизация қилинди. Ишлаб чиқаришда амалга оширилаётган технологик янгиланишлар замонавий, самарали дори турларини ўзлаштириш имконини бераётди. Мазкур корхонада ўтган йили ана шундай иккита янги дори — регидратон ва регидратоник форте тайёрлаш ўзлаштирилди ва тиббиёт амалиётига кенг жорий этилди.

Мазкур корхона бугунги кунда ўз маҳсулотларини ўндан зиёд хорижий мамлакатга экспорт қилмоқда. Корхона мутахассислари экспорт ҳажми ва жүғрофиясини кенгайтириш мақсадида хорижий мамлакатларда ўтаётган халқаро фармацевтика кўргазмалари ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Корхонада ишлаб чиқаришни технологик модернизациялаш борасида ҳам қўллаб-қувватлаш бажарилаётди.

«Ўзфармисаноат» давлат акциядорлик концерни тизимидаги «Campall», «Lekinterkats», «Medstand Glass», «Lahisam» масъулияти чекланган жамиятлари, «Guliston Medtexnika», «Reka-Med-Farm», «Remedy Group» қўшма корхоналари, «Nika Pharm» шўъба ҳўжалик жамиятида ҳам 2013 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасидаги чора-тадбирлар мўддатига бажарилиди. Натижада фармацевтика саноатида қўлланиладиган ишлаб чиқариш, боғловчи материаллар, бир марта ишлатиладиган шприцлар, ампула, таблетка шаклидаги дори воситалари ва бошқа препаратлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма қувватлар барпо этилди, бир минг етти юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизда фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилган доимий эътибор фармацевтика саноати тараққиётида муҳим омил бўлаётди. Кейинги йилларда илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан яратилган қирқдан зиёд замонавий шифо воситалари нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоларини ечишда ўз самараларини бераётди. Юрак аритмиясини даволашда яхши самара берадиган алпанин, сарик касаллиқига қарши мегиосин, қон тўхтатувчи лагоден, шамоллашга қарши целогрипп ва бензкетозон сингари препаратлар шулар жумласидандир.

Илм-фаннинг ушбу йўналишдаги иxtиро ва ютуқларини янада тақомиллаштириш ва фармацевтика саноатини ривожлантиришда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлаётди. Ушбу йўналишда аънавий ўтказилган Инновацион гоълар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида фармацевтика саноати корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. 2013 йилда бўлиб ўтган VI Инновацион гоълар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида бу йўналишда ўнга яқин шартнома имзоланди. Айни пайтда ушбу ҳамкорлик доирасида олимлар ва амалиётчилар иммунобиологик препаратлар яратиш технологиясини ўзлаштириш юзасидан изланишлар олиб бормоқда.

Фармацевтика саноати корхоналарида сифатни бошқариш бўйича менежмент тизимини жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунгача йигирма иккита корхона халқаро ISO 9001 сертификатига эга бўлди. Бешта корхонада GMP тизими жорий этилди. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини ошириш, тизимда сифат ва самарадорликни юксалтириш, халқимизни сифатли дори-дармон билан таъминлаш, шу билан бирга, экспорт ҳажминини йилдан йилга ошириш ва жүғрофиясини кенгайтириш имконини бераётди. Бугунги кунда дунёнинг ўн икки давлатига икки юз элликдан ортиқ номада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиббиёт воситалари экспорт қилинмоқда.

2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб номланиши барча соҳалар қатори фармацевтика саноати корхоналари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айни пайтда барча дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастуриларини ишлаб чиқишда жаҳон фармацевтика саноати ва мамлакатимиз илм-фанининг илгор ютуқларини ҳуқуқ ўзлаштириш ва ўндан амалда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Фармацевтика саноати тизимида амалга оширилаётган бундай кенг қамровли лойиҳалар ички бозорни сифатли дори-дармон воситалари билан тўлдириш, экспорт ҳажминини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш, пировардида халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш ва юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

ИНСТИТУТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент Фармацевтика институтида ташкил этилган «Адабиёт намоёндалари» мавзусидаги тадбир ҳам қизиқарли ўтди.

Бадиий кечада Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Абдулҳақор Иброҳимов «Алишер Навоий сабоқлари» мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистон халқ артисти Бехзод Мухаммадқаримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторовалар Алишер Навоий асарларидан сахна кўринишлари намойиш қилишди.

Тадбир давомида «Кутубхонага адабий қадам» акцияси голиблари ва

Маълумки, февраль ойи улут саналарга бой. Бу ойда буюк алломаларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллуд кунлари кенг нишонланади. Айни кунларда шахримиздаги барча ўқув муассасаларида Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудига бағишлаб маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

фаол иштирокчиларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

— 2013 йилнинг декабрь, 2014 йилнинг январь ойларида институтимиз профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ўртасида «Кутубхонага адабий қадам» акцияси ўтказилган эди, — дейди Тошкент Фармацевтика институти

Маънавият ва маърифат бўлими ходими Ниғора Ашурова. — Ўқув муассасамизнинг хотин-қизлар қўмитаси, тиллар кафедраси ва «Устоз-мураббий» кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда тиллар кафедраси мудири Д.Худойкулов биринчи, физика, математика ва АТ кафедраси мудири

Х.Илҳомов иккинчи, токсикологик, органик ва биология кафедраси мудири В.Абдуллабекова учинчи ўринга сазовор бўлишди. Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Қодирова «Устоз-мураббий» кенгаши раиси М.Ходжаева «Кутубхонага адабий қадам» акциясини ташкил қилишдаги фаол иштироки учун тақдирланди.

Спорт янгиликлари

ХАЛҚАРО ТУРНИРДАН
МЕДАЛЛАР БИЛАН

Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек шаҳрида бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди.

Ўн та давлатдан келган чарм кўлқоп усталари ўртасида турли вазн тоифаларида уюштирилган ушбу халқаро мусобақаларда ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашди.

Икtidорли боксчимиз Ботирали Мамажонов

халқаро турнирда жиддий тайёргарлик кўрганлигини намойиш этиб ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгди ва олтин медаль соҳиби бўлди. Турнирда қатнашган яна бир юртдошимиз Баҳодир Жалолова кумуш медаль насиб этди.



Отабек Мирзоатов (ўрта) олган сурат

Миробод туманида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўзбек жанг санъати бўйича Тошкент шаҳар очик чемпионати бўлиб ўтди.

ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ
ҒОЛИБ

Унда Тошкент шаҳри ва вилояти спортчилари иштирок этишди.

Умумжамоа ҳисобида шохсупанинг энг юқори поғонасига ҳамшаҳарларимиз кўтарилган бўлишса, фахрли 2-ўрин Ангрен шаҳри вакилларига насиб этди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндор бўлган ўғил-қизларга совринлар тўғрисида эълон қилинди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Мустақил юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга айниқса алоҳида эътибор қаратишмоқда. Болалар ва ўсмирларни жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифалар қаторидан ўрин олган. Фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортта муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, болалар спортининг ривож келажақ авлоднинг жисмонан, руҳан соғлом тарбияланишининг гаровидир.

Чунки биз инсоният тарихида унутилмас бурилиш палласи — илм-фан, техника ва технология тараққиёт этган ХХI асрда яшамокдамыз, қолаверса, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни кечмоқда. Дунё ҳамжамияти билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиш олдимизда турган иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий масалаларни ҳал этиш ҳамда жамиятимизни маънавий-маърифий жиҳатдан такомиллаштириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол (ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом), доно, илғор фикрли ва заковатли бўлишига интилоқдамыз. Шу ўринда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини яратишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни улканлигини таъкидлаш жоиздир.

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўлкамизда яшаб келган аждодларимиз, ота-боболаримиз ҳам асрлар давомида

жисмоний тарбия ва спорт ўйинлари билан фаол шугулланиб келишган. Бунинг билан халқ оғзаки ижодида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазбек» дostonларидан билемиз. Шу боис аждодларимиз ҳам жисмонан бақувват, руҳан соғлом фарзандларни ўстиришган ва улардан халқ қаҳрамонлари етиштириб чиққан. Бугунги кунда ҳам шундай етук шахс, яъни комил инсон тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ҳусусида изланишлар олиб борилмоқда. Таълим тизимида, мактабга таълим муассасаларида, ўрта махсус таълим мактабларида бу борада самарали фаолият йўлга қўйилган.

Бугунги кунда мутахассисларнинг илмий таҳлиллари натижасида назарий-ташқилий билим ва амалиётни ўзлаш-

тириш босқичларини қуйидаги технологик тартибда амалга оширилиши тавсия этилмоқда.

1. Ҳар бир одамнинг ўз саломатлигини мустаҳкамлашда шахсан ўзи маъсул эканлигини жисмоний маданият таълими орқали англаб олишини таъминлаш.

2. Ҳозирги замонда экологик бузилишлар, ташқи муҳитнинг ифлосланиши, табиий ва технологик ҳалокатларнинг ўсиши, инсон жисмоний саломатлиги олдида янгича талабларни қўяётгани ҳақида билимга эга бўлишига эришиш.

3. Жисмоний тарбия ва спортни мамлакатда ривожлантириш, инсон саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонун, фармон, қарорлардан ўз вақтида хабардор бўлишга эришиш.

4. Маълумки, ҳар бир инсон уч хил озикланишга доимо муҳтож. Бу моддий, маънавий ва жисмоний озикланишдир. Шулардан жисмоний озикланишнинг ҳар бир киши ўзига керакли даражасини ўзининг кундалик ҳаёти таъжирбасидан келиб чиқиб амалга ошириши таъминловчи билимга эга бўлиши.

5. Ҳар бир инсон ўзининг жисмоний имкониятларини билиши, спорт машқи ва мусобақалари шароитида юксак натижа-ни намойиш этишга оид илмий-назарий-амалий билимларга эга бўлиши.

6. Ҳар бир киши ўзининг турмуш тарзи шароитида қайси жисмоний ҳаракат амалларидан қандай фойдаланганда бунинг жисмоний ривож ва тайёргарлигига қай даражада самара бериши ҳақидаги билим ва тажрибаларга эга бўлиши.

7. Ҳар бир одам ўзи яшаётган ҳудудда вилоят, мамлакат, қитъа, жаҳон миқёсидаги жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги барча тегишли маълумотлардан хабардор бўлиб туриши жисмоний маданият таълими технологиясини юқоридаги тартибда амалга ошириш, одамларнинг жисмоний маданиятини шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Эльзира МАРАКАЕВА,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва
тиббий статистика
институтининг директори

НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДАГИ ҒАЛАБА

Ҳамшаҳримиз, Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Денис Истомин Францияда ўтказилган «Open Sud de France – 2014» халқаро турнирида юксак зафар қучиб ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Бу гал Денис россиялик катта ракетка устаси Николай Давиденко билан жуфтлик баҳсларида шундай муваффақиятга эришди.

Ҳал қилувчи баҳсга қадар Польша, Қозғистон, Буюк Британия, Австралия ва покстонлик рақибларини доғда қолдирган Истомин — Давиденко жуфтлиги финалда майдон эгалари — Николас Маю ва Марк Жинелга ўзаро рўбарў келди. Дастлабки икки сетдан сўнг 6:4, 1:6 ҳисоблари қайд этилган, ўйин тақдири охириги сетда ҳал бўладиган вазият

юзага келди. Ниҳоятда кескин ва мурасасиз кечган ушбу сетда 10:7 ҳисобида устун келган Истомин — Давиденко жуфтлиги бош совринни кўлга киритди.

Профессионал теннисчилар уюшмаси таснифидаги турнирларда Истоминнинг ушбу иккинчи ғалабаси ҳамюртимизга 250 рейтинг очколарини кўлга киритган ҳолда АТР таснифида 24 поғона олдинга ўтиб, 65-ўринини эгаллашга имкон яратди.

Даврон НУРМАТОВ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА
ИНСОН БАРКАМОЛЛИГИ

«ВАРШАВА ЦИРКИ»

Ўзбекистон давлат циркида тақдим этилаётган янги халқаро дастур шундай номланади.

Бу дастур Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самараларидан биридир. Шу кунларда Польша, Беларус, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлардан келган цирк артистлари ўз маҳоратини намойиш этиш ва тажриба алмашиш мақсадида пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибди.

Ўзбекистон давлат цирки манежида ўз чиқишларини намойиш этиш — ҳар қандай цирк артисти учун улкан шараф. Зеро, бир асрдан зиёд тарихга эга ўзбек миллий циркининг жаҳонда ўз ўрни ва макеи бор.

Истиклол йиллари миллий циркимиз учун янада юксалиш даври бўлди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маданият ва санъат, ҳусусан, цирк санъатини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор тўғрисида маълумот ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Цирк артистларининг касб маҳоратини ошириш, замонавий томошабин талабларига жавоб

берадиган янги цирк дастурлари тайёрлаш учун барча шарт-шароит яратилди.

— Ўзбекистонлик томошабинлар цирк санъатини ҳам жуда яхши тушунар ва қадрлар экан. Бу уларнинг юксак дидидан далолат беради, — дейди Беларус Республикаси халқ артисти Сергей Гулевич. — Биз халқаро дастуримиз Тошкентда муваффақиятли намойиш этилаётганидан бағоят мамнунамиз. Ҳар бир чиқишимиз томошабинлар томонидан гулдўрос қарсақлар билан илиқ қутиб олинаётгани бизга катта илҳом бағишламоқда. Санъаткор учун бу жуда муҳим.

«Варшава цирки» деб номланган ушбу халқаро дастур ёрқин ва қизиқарли чиқишларга бой. Ҳинд филлари иштирокидаги аттракцион дастурнинг энг томошабоп қисмидир. Айни пайтда улкан совун пуфаклари намойиш қилинадиган номер, африкача олов рақси, эквилибристлар, акробатлар, жонг-лёрларнинг чиқишлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимлиги фойсидида Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Халқаро маданият қарвон саройи ҳамкорлигида «Миллий либослар» кўргазмаси ташкил этилди. Республикаимизнинг деярли барча вилоятларига хос бўлган миллий либослар тарихимиздан сўзлайди ва бой маданий меросимизни асраб-авайлашга чорлайди.

Ушбу кўргазма ҳусусида сўз юритар эканмиз, шахсий коллекционер Фахриддин Абду-жабборов ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу заҳматкаш инсон миллий анъана ва қадриятларни тиклаш борасида ўзининг «Тикланиш» лойиҳаси билан танилиб бормоқда. XVII-XVIII аср миллий кийим-кечақлари бизгача асл ҳолда етиб келмаган. Чунки уларнинг йиллар ўтиб яроқсиз ҳолга келиши фақат тарихий манбалардан сақланган. Фахриддин ўзининг 10 дан ортиқ коллекцияси орқали дўппилар, келин-куёв либослари, мис лаган ва кўзаларни йиғиб, кўргазма тарзида

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
ЛИБОСЛАРИ КЎРGAЗMAS

намоийш этиб келмоқда. Тарихий манбалар асосида тикланган либослар асосан республикамиз вилоятларига тегишли. Шунингдек, қадимий паранжилар ҳам шу кунгача асл ҳолда сақланган.

Турли вилоят кийим-кечақларини уларнинг ранглари ва матолари ажратиб туради. Либослар ички ва устки кийимдан иборат. Айниқса, Бухоро ва Самарқандга хос кийим-кечақлар

ўзининг ранги ва нақшлари билан алоҳида ажралиб туради. Фарғона водийсига хос либосларнинг бекасамдан тикилгани барчанинг кўзини қувонтиради. Нафис нақшлар тикилган кашта нуска кийим-кечақлар асосан Сурхондарё ва Навоий вилоятларига тегишли. Ҳозирда мана шу коллекциядан келин-куёвлар фотосессия тарзида эўр қизиқ-қиз билан фойдаланишмоқда.

А. УМАРОВА

Тадбирлар

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицейда талабалар, ўқитувчилар, ички ишлар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир гийёхвандлик ва унинг аянчли оқибатларига бағишланди.

Гийёхвандликнинг — аср вабоси эканлиги барчага аён. Шундай бўлсада баъзан бу иллат гирдобига йўлиқиб ҳаётини барбод қилаётганлар ҳам учраб турибди.

Тадбир қатнашчилари ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жисмо-

ний тарбия ва спорт билан шугулланишларига имкон яратиш зарур эканлигини таъкидлаб, бу борада таълим масканлари педагоглари, ота-оналар, маҳаллалар фаоллари ҳамкорликларидан ба-жариладиган ишлар режасини белгилаб олишди.

Анвар ЙҮЛЧИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) тақдоран қўйилмоқда: 1. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22-25-12-сонли ижро ҳужжатида асосан 1995 й. и/ч. SK-24, д/р. 19A351. Бошланғич баҳоси — 23040350 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 27 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 23.01.2014 й. № 1847-сонли ижро ҳужжатида асосан 2010 й. и/ч. Нексия, д/р. 10U234FA. Бошланғич баҳоси — 25000000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 13 март кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гўвоҳнома № 00 45 93

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 18 март кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Олмазор тумани СИБ томонидан савдога қўйилган: 1. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 12 июнь кунини 1-1727/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу даҳаси, 15-уй, 20-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., яшаш майдони 42,63 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 65 000 000 сўм.

2. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 31 октябрь кунини 1-4203/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Каланова кўчаси, 1-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 69,12 кв.м., яшаш майдони 38,68 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 54 479 636,12 сўм.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 14 ноябрь кунини 1-4196/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Олча тор кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий ер майдони 373,60 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 108,41 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 100 000 000 сўм.

II. Чилонзор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 июнь кунини 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотуғар жой. Бошланғич нархи — 2 440 924 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотуғар жой. Бошланғич нархи — 2 495 967 000 сўм.

2014 йил 4 март кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

I. Сергели тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг 2013 йил 7 октябрь кунини 1-693-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйилк 5-мавзе, «Халқобод» маҳалласи, Толарик канал бўйида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 107,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли «Болалар спорт майдончаси ва савдо шохбозчалари» Бошланғич нархи — 139 320 000 сўм.

II. Юнусовд тумани СИБ томонидан савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Бегм Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м., иккинчи қаватли ва ер тўла биноси бўлган кўчмас мулк савдога қўйилган. Бошланғич нархи — 674 653 602 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрь кунини 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Барака (аввалги Ш. Қозқобул) кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой. Бошланғич нархи — 337 682 696 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳафтаининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RA-0017.

Билдирини

1. «Тошкент оқшом» газетасининг 2014 йил 21 январь кунини 14-сонда хабар қилинган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Халқа йўли кўчаси, 61, 59-ўйлада жойлашган савдо дўконларининг аукцион савдоси Шайхонтоҳур тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 6 февраль кунини хатига асосан тўхтатилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.



эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кундузи 1 даража совуқ, 1 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хиз-

Тошкент шаҳрида манти маълумотида кўра, 13 февраль кунини ҳаво ўзга-риб туради, ёғинга илқиб об-ҳаво шароити шаҳар бўлмайд. Кечаси ва эрта-ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қол. Шарқдан секундида 3-қолишига имконият 8 метр тезликда шамол яратади.